

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
Икромжонов Акмалжон Махмуджонович ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
Махмудов Махмуд Авазович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Muminova Elnoraxon Abdukarimovna “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
Файзуллоев Мирсаид Шухратович СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
Кахарова Нилуфар Эркинжоновна ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
Rahmonov Mirvoxid Rajabovich HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

Насимов Равшанжон Азимович МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	121-130
Nabieva Nilufar Muratovna MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ	140-148
Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJYIY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
Yusupov Farruxbek Farxodovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
Kunduzova Kumrixon Ibragimovna KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI	163-172
Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ	173-179
Насимджанов Юнусжон Зоҳидович МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	180-187
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ	188-192
Холмирзаев Нодиржон Низомжонович УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	193-198
Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili	199-204
Ялгашев Бунёд Махмудович САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ	205-213
Safarov Maqsudali ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR	214-219
Сохибова Лола Жонибоевна ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ	220-224

Адашова Махсума Махмудбоевна
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

Mukhammediyarova Akhmaral
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY
MA‘NOLARI.....240-245

Surmilova Elena
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE
TEACHING246-252

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ253-257

Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)”258-262

Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI263-268

Fillipova Olga Igorevna
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”279-285

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Ильясов Баходир Ильясович
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI286-293

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ294-299

Хаётов Анвар Хусанович
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ300-307

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Журабекова Хабиба Мадаминовна
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ308-315

Tursunova Aziza Xoshimovna WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI	316-321
Oblanazarov Faxriddin Asadovich FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH	322-329
Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI	330-335
Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI	336-342
Jurayev Bobomurod Tojiyevich SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI	343-350

07.00.00 – Тарих фанлари

Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Тарих институти,
таянч докторант*
Email: zohidjon.xoldorov95@gmail.com

ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН

Аннотация. Ушбу мақолада иккинчи жаҳон уруши даврида Совет давлати аскарларининг германия томонидан асир олинishi тўғрисида маълумотлар мавжуд. Германия Совет давлати асирларидан турли легионлар тузади. Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ бўлган Туркистон легиони ҳақида мақолада маълумотлар берилди.

Калит сўзлар: Мустафо Чўқай, Вали Қаюмхон, Алфред Розенберг, Герхард фон Менде, Миллий Туркистон, Миллий адабиёт, Турк Бирлиги, Янги Туркистон, Туркистон миллий конгресси.

Холдоров Зоҳиджон Валижон угли
*Институт истории Академии Наук
Республики Узбекистан,
Базовый докторант*

ИЗ ИСТОРИИ ФОРМИРОВАНИЯ ТУРКЕСТАНСКОГО ЛЕГИОНА

Аннотация. В данной статье содержится информация о пленении советских солдат Германией в годы Второй мировой войны. Германия создает различные легионы из пленных советского государства. В статье представлены сведения о Туркестанском легионе, которые имеют отношение к истории Узбекистана.

Ключевые слова: Мустафа Чокай, Вали Каюмхан, Альфред Розенберг, Герхард фон Менде, Национальный Туркестан, Национальная литература, Турецкое единство, Новый Туркестан, Национальный Конгресс Туркестана.

Kholdorov Zokhidjon Valijon ugli
*The Institute Of History,
Academy of The Sciences of Uzbekistan
PhD student*

THE HISTORY OF THE FORMATION OF THE TURKESTAN LEGION

Annotation. This article contains information about the capture of Soviet soldiers by Germany during the Second World War. Germany creates various legions from the prisoners of the Soviet state. The article provides information about the Turkestan Legion, which is related to the history of Uzbekistan.

Key words: Mustafa Chokay, Vali Qayumkhan, Alfred Rosenberg, Gerhard von Mende, National Turkestan, National literature, Turkish unity, New Turkestan, National Congress of Turkestan.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N03>

Кириш

Германия қўшини Совет давлатига хужум қилган дастлабки йилларда, қизил армиянинг миллионлаб аскарларини асирликка олади. Дастлаб, немислар асирлардан қурилиш, ишлаб чиқариш каби соҳаларда фойдаланган бўлса, кейинчалик улардан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланишга қарор қилади. Шу мақсадда асирликдаги совет аскарларидан ҳарбий гуруҳлар ташкил этилади. Бизнинг тарихимиз билан боғлиқ бўлган Туркистон легиони асир тушган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ халқларидан тузилади. Бу легионни тузиш ташаббуси билан ўша вақтда Германияда истиқомат қилаётган Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхонлар чиқишади. Бироқ, Мустафо Чўқай асирлар билан учрашувларнинг бирида тиф касалини юқтириб олиб эрта вафот этади. Туркистон легионини ташкил этиш вазифаси эса Вали Қаюмхоннинг гарданига тушади. Туркистон легионини сиёсий жиҳатдан бошқариш учун Вали Қаюмхон раҳбарлигида Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси тузилади ва бу қўмита легионнинг бош органига айланади. МТБҚ Туркистон ўлкасини озод қилиш учун легионга аъзо бўлмаган туркистонлик асирлар орасида Туркистон легиони сафларида Совет давлатига қарши кураш олиб бориш ташвиқотини олиб боради. Бу қўмита томонидан Туркистон легиони аскарлари учун бир қатор журнал ва газеталар нашр этирилади. Туркистон легиони аскарлари 1945 йилга қадар Германия армиясида Совет давлати ва уларнинг иттифоқчиларига қарши жанглар олиб боради.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Туркистон легиони тарихига доир Ўзбекистонда П.П. Воробев, профессор Қ. Ражабов ва М. Давлатова, И. Шомуродовлар томонидан мақолалар нашр этилган. Бу мақолаларда Туркистон легионининг ташкил топиши ва фаолияти тарихига доир маълумотлар келтирилади. АҚШда нашр этиладиган “Ватандош” газетасида эса Мавлон Шукурзода ва Ифтихор Шомуродовлар томонидан мақолалар эълон қилинган. Бу мақолаларда Туркистон легионига доир қимматли маълумотлар берилади. Туркистон легиони тарихига доир Қозоғистонда бир қатор илмий китоблар чоп этилган. Жумладан, Бахит Содиқова, Амантай Кекен, Серик Шакибоев каби тадқиқотчиларни мисол келтиришимиз мумкин. Серик Шакибоевнинг асари Совет давлати даврида яратилган ва Совет мафқураси билан суғорилган эди. Бахит Содиқова ва Амантай Кекеннинг асарлари СССР парчалангандан кейинги даврда ёзилган ва уларда Туркистон легиони масаласига ёндашувлар ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Рус тарихчилари М.И. Семиряга, О.В. Романко томонидан яратилган илмий асарларда ҳам Туркистон легионига доир баъзи маълумотлар берилади. Туркистон легиони тарихини ўрганишда Туркия тарихчилари салмоқли тадқиқот ишларини олиб борганлар. Чунончи, Абдулваҳоб Қора, Анвар Олтойли, Жўшқун Кумру, Латиф Челик каби тарихчилар томонидан туркистонлик асирларнинг Германия концлагерларидаги турмуш тарзи тўғрисида ҳамда Туркистон легионининг ташкил топиши масалаларида асарлар ёзилган ва тадқиқотлар олиб борилган.

Германияга қарши олиб борилган урушда қизил армиянинг сафларида миллионлаб туркистонликлар кураш олиб бордилар. Боймирза Ҳайитнинг маълумотига қараганда, қизил армия таркибида 1941 – 1943 йилларда хизмат қилган

туркистонликлар сони тахминан 4 847 775 нафар бўлган[1;151-б]. Совет ҳукумати томонидан дастлаб туркистонликлар етарли даражада ҳарбий қуроллар билан таъминланмаганлиги, уларнинг фашистлар томонидан кўплаб асир олиншига сабаб бўлади. Германия ҳукумати асирларни махсус конслагерларда сақлаганлар. Конслагерларда сақланган туркистонликлар сони эса 1 млнга яқин бўлган дея маълумот беради Ифтихор Шомуродов ўзининг мақоласида[5;5-б]. Немислар туркистонлик асирларга жуда ҳам шафқатсиз муносабатда бўлган ва уларни арзимаган айблари учун ҳам отиб ташлаган. Дастлабки даврларда немислар туркистонликларни яҳудийлар деб ўйлаб ўлдиришган. Бунинг асосий сабаби эса яҳудийлар ҳам мусулмонлар каби суннат қилинганлигида эди. 1942 йилнинг ёзига қадар туркистонлик асирлардан фақат 400 минг киши тирик қолган эди[11;54-б]. Тирик қолган туркистонликларнинг катта қисми Германия ҳукумати томонидан тузилган Туркистон легиони таркибига қўшиладилар.

Босиб олинган шарқий ҳудудлар вазири Алфред Розенберг асирлардан ҳарбий қисмларни тузиш режасини ишлаб чиқади. Асир тушган Совет давлати аскарларининг катта қисмида И. Сталин юритган қатағон сиёсати туфайли Совет ҳукуматига нисбатан нафрат борлигини фашист ҳукумати яхши биларди. Бу ҳолатдан фойдаланган Германия ҳукумати совет асирлари учун миллий комиссиялар тузади. Бу комиссиялар асирлар орасида немислар томонида Совет давлатига қарши курашиш учун тарғибот ишларини олиб борадилар. Янги тузилган Туркистон комиссиясига турколог олим Герхард фон Менде раҳбарлик қилади[16;85]. Шунингдек, бу комиссия таркибига Туркистон мухториятининг собиқ раҳбарларидан бири Мустафо Чўқай ва унинг ёрдамчиси бўлиб Вали Қаюмхонлар ҳам киритилади[6;30-б]. Улар конслагерларда сақланаётган туркистонлик асирларнинг орасида Германия томонида Совет давлатига қарши кураш олиб бориш ва шу йўл орқали Туркистон ҳудудини озод қилиш ташвиқотини юритишади. Шунингдек, улар Германия Совет давлати устидан ғалаба қозонса, Германия ҳомийлиги остида мустақил Катта Туркистон давлати тузилиши тўғрисида туркистонлик асирларга айтиб ўтадилар. Мустафо Чўқай кўплаб конслагерларга ташриф буюриб, туркистонлик асирлар билан яқиндан суҳбат куради. Конслагерларнинг бирида Мустафо Чўқай асирлар билан учрашувда тиф касалини юқтириб олади ва аҳволи оғирлашиб 1941 йилнинг 27 декабрида Берлин шаҳрида жойлашган Виктория касалхонасида вафот этади [3;174]. Мустафо Чўқайнинг ўлимидан сўнг, туркистонлик асирлардан иборат ҳарбий гуруҳ тузиш ва уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш вазифаси Вали Қаюмхоннинг зиммасига тушади.

Туркистон комиссияси олдида конслагерларда сақланаётган мусулмон туркийзабон асирлар билан боғлиқ ишларни нимадан бошлаш масаласи турарди. Туркистон комиссиясининг раҳбари Герхард фон Менде дастлабки ишни конслагердаги туркий халқларни миллатига қараб турли гуруҳларга ажратишдан бошлайди[16;91]. Гуруҳларга ажратишда фақат миллати ҳисобга олинмади, балки маълумотига қараб ҳам гуруҳларга ажратилди. Германия ҳукумати туркистонлик асирлар орасидаги олий маълумотли аскарларга алоҳида эътибор қаратган. Чунончи, Вали Қаюмхон Эбенроде шаҳрида жойлашган конслагерга ташриф буюрганда асирлардан кимлар олий маълумотли эканлигини сўрайди. 12 нафар асир олий маълумотли эканлиги маълум бўлади. Уларга янги кийим-бош берилиб, Лукенвалде яқинидаги янги қурилган конслагерга кўчирилади. Бу ерда уларга бир кишилик ётоқ ва кийим жавони берилади.

Олий маълумотлиларга бунчалик эътибор берилишининг асосий сабабларидан бири, Германия ўзининг асирлар орасида пропаганда сиёсатини юритиш учун улардан фойдаланади.

Туркистонлик асирларнинг катта қисми Германия ҳукумати томонига ўтиб, Туркистон легиони таркибига аъзо бўлиб киришига бир неча сабаблар бор эди. Биринчидан, Совет ҳукумати ўзининг асир тушган аскарларидан воз кечиб, уларни ватан хоини эканлигини эълон қилганди. Туркистонликлар ўз ватанларига қайтиб бориш имконсиз ва жуда хавфли эканлигини англаб етадилар. Иккинчидан, туркистонлик асирлар конслалардаги оғир меҳнат, очлик, ўлимдан қутқарувчи йўл легион таркибида Совет давлатига қарши жанг олиб бориш эканлигини тушуниб етадилар.

Германиянинг Москва остонасидаги мағлубиятидан кейин, ҳарбий асирлардан фойдаланиш режасини амалга ошириш тезлашиб кетади. Алфред Розенбергнинг тавсияси асосида 1941 йилнинг 30 декабр санасида Гитлер асирлардан иборат ҳарбий гуруҳлар тузиш режасини расмий жиҳатдан тасдиқлайди [13;24]. Туркистон ва Кавказдан бўлган асирлардан тузилган ҳарбий гуруҳ Осиё баталёни деб номланади. Орадан бир ой ўтганидан сўнг бу баталён иккига бўлинади ҳамда Кавказ легиони ва Туркистон легиони номлари билан аталади. “Турон тарихи” журналида профессор Қаҳрамон Ражабов ва М. Давлатовалар томонидан нашр этилган мақолада 1942 йилнинг бошларида Вали Қаюмхон раҳбарлигида расман Туркистон легиони тузилганлиги ҳақида маълумот келтирилади [10;92-б]. Қисқа муддат ичида легион сафларида хизмат қилишни хоҳлаган туркистонликлар миқдори кўпайиб боради. 1942 йилнинг май ойига келиб Туркистон легионида хизмат қилишга ёзма розилик билдирган туркистонликлар сони 130 мингдан ошади [18;4-б]. Туркистон легиони таркибида неча нафар туркистонлик хизмат қилгани тўғрисида турли фикрлар бор. Чунончи, Боймирза Ҳайитнинг маълумотига қараганда, 1944 йилнинг ўрталарига қадар легион аскарларининг сони 267 мингга етади [2;44-б]. Улардан 181 минг нафари уруш майдонларида жанг қилган бўлса, 85 мингдан ошиғи эса фронт ортидаги ишларни бажаришган [1;151-б]. 65 минг легион аскарлари жанг майдонларида ҳалок бўлган.

Туркистон легионига аъзо бўлиш учун ҳар бир аскар қасамёд қабул қилиши керак бўлган. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, Қуръони Карим қаршисида икки қилич бирлаштирилиб, Туркистон байроғи остида қасамёд қилинган [1;154-б]. Туркияда 2017 йил Боймирза Ҳайит таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб чоп этилган китобда легион таркибига қабул қилиш қасамёдининг немисча матни келтирилади. Қасамёд матни эса қуйидаги сўзлардан иборат бўлган: “Оллоҳ олдида ушбу муқаддас қасам билан мен болшевиизмга қарши курашда Германия армиясининг Олий қўмондони Адолф Гитлерга садоқат билан хизмат қиламан ва бу қасамёдимга жасур аскар сифатида доим содиқ қоламан [14;203] ”. Қасамёд қабул қилган ҳар бир аскар расман Туркистон легионининг аъзоси бўлган. Улар бир қатор имтиёз ва ойлик маошга ҳам эга бўлган. Туркистон аскарлари махсус ҳарбий кийимлар билан таъминланган. Бу ҳарбий кийимлар немис аскарларинининг кийимларидан биров фарқ қилган.

Туркистон легиони ўзининг рамзларига ҳам эга бўлган. Туркистон мухториятининг байроғи ва мадҳияси легионнинг миллий рамзига айланади. Ўзбек

халқининг буюк шоирларидан бири Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон” шеъри мадҳиянинг сўзларини ташкил этади. Мадҳиянинг сўзлари қуйидагилардан иборат бўлган:

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳарлар вақти гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун. Бўлмасми дил шод?
Билмам не учун қушлар учмас боғчаларинда?
Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,
Умидимизнинг сўнмас чироғи,
Бирлаш эй халқим келгандир чоғи,
Безансин энди Туркистон боғи.
Қўзғал, халқим, етар шунча жабру-жафолар.
Ол байроғингни қалбинг уйғонсин,
Қуллик асорат ҳаммаси ёнсин,
Ўсиб Туркистон қақдинг кўтарсин,
Яйраб, яшнаб ўз Ватанинг гул боғларингда!

Туркистон легионини сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан бошқариш учун 1942 йилнинг бошларида Берлин шаҳрида Босиб олинган шарқий ўлкалар вазирлиги қошида Миллий Туркистон Бирлиги Қўмитаси (МТБҚ) тузилади [11;57-6]. Вали Қаюмхон қўмитанинг президенти этиб тайинланади. Қўмита президентининг Бош котиби лавозимига эса дастлаб миллати ўзбек бўлган Каримий, сўнгра қозоқ Карис Канатбай тайинланади. Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси 12 та бўлимдан иборат бўлган ва бу бўлимларда 4 нафар қозоқ, 3 нафар ўзбек, 3 нафар туркман, 2 нафар қирғиз, 2 нафар тожик фаолият олиб борган[5;4-6]. Тарихчи Романко Олег Валентинович ўзининг “Мусулмон легионлари иккинчи жаҳон урушида” номли китобида Туркистон легионининг ҳар бир бўлимларининг номи, раҳбарлари ва уларнинг вазифалари тўғрисида маълумотларни ёзиб ўтади[7;67-68]. Бўлимлар қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Соғлиқни сақлаш бўлими – раҳбари Каримий бўлган. Бу бўлимнинг асосий вазифаси легион учун зарур бўлган шифокор ва санитар ходимларни тайёрлашдан иборат бўлган. Шунингдек, легион аскарларининг соғлиғи масалалари ҳам шу бўлим томонидан назорат қилинган.

2. Илмий бўлим – раҳбари дастлаб Салимий, сўнгра Усмон бўлган. Бу бўлим Туркистон ўлкасининг маданияти, этнографияси, географияси, тарихига оид материалларни тўплаш билан шуғулланган.

3. Ҳарбий бўлим – раҳбари Боймирза Ҳайит бўлган. Ушбу бўлим туркистонлик офицер ва аскарларни тайёрлаш вазифаси билан шуғулланган.

4. Ҳарбий асирлар бўлими – миллати қозоқ бўлган Лукин томонидан идора этилган. Бу бўлим конслагерларда сақланаётган туркистонлик ҳарбий асирларга ёрдам бериш вазифасини бажарган.

5. Ҳарбий бўлмаган аҳоли таъминоти бўлими – миллати ўзбек бўлган Нурмуҳаммад томонидан идора қилинган. Бўлим Германиядаги барча ҳарбий бўлмаган туркистонлик ишчиларга кўмаклашиш вазифаси билан шуғулланган.

6. Васийлик бўлими – миллати қozoқ бўлган Нурбаяк ва Нурибеклар раҳбарлик қилишади. Бўлимнинг асосий вазифаси легион таркибидаги аскарларни озик-овқат ва турар жой билан таъминлашдан иборат бўлган.

7. Диний бўлим – раҳбари миллати қozoқ мулла Оросман бўлган. Бўлимнинг асосий вазифаси легион учун муллалар тайёрлаш бўлган. Шунингдек, легион таркибидаги туркистонликларга диний амалларни бажаришлари учун шароит яратиб бериш вазифаларини ҳам бажарган.

8. Ҳарбий пропаганда бўлими – миллати ўзбек лейтенант Ҳаким раҳбарлик қилган. Легион учун ҳарбий пропoгандачилар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни ушбу бўлим назорат қилган.

9. Сиёсий пропаганда бўлими – миллати қирғиз бўлган Аламбет ушбу бўлимни бошқарган. Ушбу бўлим легион таркибидаги жангчиларни миллий руҳда тарбиялаш вазифаларини бажарган.

10. Матбуот бўлими – миллати ўзбек бўлган Аҳмаджон томонидан бу бўлим идора этилган. МТБҚнинг журнал ҳамда газеталарини тайёрлаш ва нашр этиш вазифаларини ушбу бўлим назорат қилган.

11. Радио бўлими – миллати ўзбек бўлган Эргаш Шермат томонидан бошқарилган. Легион аскарлари учун ўз она тилларида турли хил радиоешиттиришлар тайёрланган. Шунингдек, бу бўлимда ўзбек, туркман ва қozoқ радио бошловчилари фаолият юритган.

12. Мусиқа ва театр бўлими – миллати ўзбек бўлган Қудратилла томонидан идора қилинган. Бўлимда театр труппалари, хонанда ва созандалар тайёрланган. Улар легион аскарларининг олдида томоша ва мусиқий чиқишларни намойиш этганлар.

Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси таркибидаги барча қўмиталар сиёсий жиҳатдан Алфред Розенбергга бўйсунган[7;68]. Қўмита аъзолари немислар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган, моддий таъминоти ва кийинишида ҳам ҳеч қандай камчиликлар бўлмаган[4;39-б]. МТБҚнинг айрим харажатлари Германия ҳукумати томонидан таъминлаб турилган. Бу пул маблағлари Туркистон ўлкаси мустақилликка эришганидан сўнг Германияга қайтариб берилиши керак бўлган. Бу тўғрисида Вали Қаюмхон Германия билан шартнома имзолаган эди. Шунингдек, қўмитанинг молиявий аҳволини яхшилаш учун легион таркибида хизмат қилувчи аскарлар ҳам ўзлари учун тўланаётган 30 марка ҳисобидаги маошларининг ярмини қўмитага беришган.

1942 йилда Туркистон легиони таркибида 781, 782, 783, 784-пиёда баталёнлари ташкил этилади[17;205]. Германия армиясида Туркистон легиони рус бўлмаган ҳарбий бирликлар орасидаги энг йиригига айланади. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, Туркистон легионининг биринчи гуруҳи 1942 йилнинг 2 май санасида Брянск ўрмонларида жангга киритилган[1;154-б]. Бу Туркистон легиони ташкил топганидан кейинги унинг биринчи жанги эди. 1943 йилнинг май ойига қадар легион таркибида 32 та баталён ташкил этилади[15;202]. Янги ташкил этилган Туркистон баталёнларининг кўп қисми генерал-полковник Ф. Паулюс раҳбарлигидаги 6-армиянинг бўлинмаларига бириктирилади[9;11]. Қozoқ тадқиқотчиси Бахит Содиқованинг маълумотларига қараганда, 1942 –1943 йилларда Германия армиясининг Кавказ ҳудудига ҳужумида олти Туркистон легионининг баталёни қатнашган[3;83]. Машхур Сталинград шаҳри учун олиб борилган жангларда ҳам Туркистон легиони аскарлари Германия армияси

таркибида иштирок этган. Чунончи, Легионнинг учта баталёни Сталинград жангида қизил армияга қарши жанг олиб борган ва баталён таркибидаги жуда кўплаб туркистонликлар бу жангда ҳалок бўлган. Туркистон легиони таркибида 162-Туркистон пиеда баталёни Германия ҳукуматининг ишончи ва олқишига сазовор бўлади[17;208]. Бу баталёнга генерал-маёр фон Нидермаер раҳбарлик қилган. Баталён 1943 йилнинг сентябр ойида Словения ҳудудига жўнатилади ва у ерда бир қатор ҳарбий ҳаракатларни олиб боради[9;12]. Маълум вақтдан сўнг, бу баталён Италия ҳудудига юборилиб, бу ҳудуддаги хафсизликни таъминлаб, партизанларга қарши кураш олиб боради. Шунингдек, бу баталён урушнинг охири давларида Англия-Америка қўшинларига қарши олиб борилган жангларда ҳам қатнашади.

Туркистонликлар ССда¹ ҳам фаолият олиб борган. 1944 йилдан бошлаб Туркистон легиони аскарларидан СС таркибига олина бошланади. Ифтихор Шомуродовнинг Германия архивларига таяниб берган маълумотларига қараганда, Германиянинг СС ташкилотида 3 мингдан ортиқ туркистонликлар фаолият юритган[5;4-б]. Улар ССнинг “Янги Туркистон” полкида хизмат қилишган. Полк раҳбари ислом динини қабул қилган ва Ҳорун ал-Рашид исмини олган СС зобити бўлган.

Туркистон легионига аъзо бўлганларнинг барчаси ҳам Германияга содиқлик билан хизмат қилмаган. 1943 йилга келиб легион аскарлари орасида Гитлерга қарши кураш олиб бориш учун турли гуруҳлар шаклланади. Нега баъзи легион аскарлари орасида Германияга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди? Чунки, Германия армияси сафларида Совет давлатига қарши кураш олиб борган халқларга ўз ватани Қримга Германия ҳукумати томонидан ҳеч қандай озодлик берилмади[17;214]. Бу воқеа баъзи туркистонлик аскарлар орасида Германияга ишончсизлик туйғусини пайдо қилади. Шунингдек, Германия армияси 1943 йилга келиб бир қатор йирик жангларда мағлуб бўла бошлади. Натижада, Туркистон легиони таркибида “кўнгиллилар” гуруҳи пайдо бўлиб, улар партизанлар билан алоқа ўрнатиш учун ҳаракат қила бошлайди. Жумладан, 1943 йилнинг ёз фаслида 3-Туркистон баталёнининг бир гуруҳ аскарлари Белоруссиянинг Речица шаҳрида бўлиб, партизанлар билан алоқа ўрнатади ва гитлерчиларга қарши ҳамкорликда курашадилар[12;483-б]. 1943 йилнинг охирида келиб Туркистон легионининг 6 та баталёни Франция ҳудудида жанг олиб боради [11;58-б]. Лекин, баталён таркибидаги жангчиларнинг бир қисми партизанлар ва Қаршилиқ ҳаракати сафлари томонига ўтиб, Германиянинг ўзига қарши кураш олиб боради. 1943 йилнинг сентябр ойида Десна дарёси бўйидаги жангда Абдулла Отахонов бошчилигидаги 370 кишилик баталён ўз ихтиёри билан Совет давлатига таслим бўлади[12;483-б]. 1944 йилнинг январ ойида легион аскарлари Югославия партизанларига қарши курашиш учун Черногория ҳудудига юборилади. Легион таркибида С. Файзиев бошчилигидаги отряд немисларни ўлдириб, партизанлар томонига ўтиб кетади.

1944 йилда Вена шаҳрида Туркистон Миллий конгресси бўлиб ўтади [8;54]. Ушбу конгрессда 573 нафар Туркистон легиони аъзолари иштирок этадилар[11;58-б]. Конгресснинг асосий мақсадларидан бири Миллий Туркистон Бирлиги Қўмитасини

¹ Немисча “Schutzstaffel” сўзининг қисқартмаси. Бу ташкилот 1925 йил 4 апрелида тузилган. 1929 – 1945 йилларда Генрих Гимлер раҳбарлик қилган. Уруш йилларида ташкилот Германия ва унинг босиб олинган ҳудудларида хафсизлик ва террор ишларини амалга оширган.

бутун дунёга танитишдан иборат бўлган. Конгресснинг сўнггида Туркистон миллий кенгаши ташкил этилади ва унга 70 киши сайланади[6;26-б]. Шунингдек, Вали Қаюмхон Генрих Гиммлерга мактуб йўллаб Туркистон легионини Туркистон миллий армияси деб тан олишини сўрайди.

Туркистон легиони ўзининг матбуотига ҳам эга бўлган. Легионнинг бош органи ҳисобланган Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси назорати остида бир қатор журнал ва газеталар нашр этилган. Вали Қаюмхон муҳаррирлигида “Миллий Туркистон” (1942 – 1945 йиллар) ва “Миллий адабиёт” (1942 – 1945 йиллар) журналлари нашр этилган[2;43-б]. “Миллий Туркистон” журнали араб ва лотин алифболарида ўзбек тилида, кейинчалик эса инглиз тилида нашр қилинган. Урушнинг якунига қадар “Миллий Туркистон” журналининг 80 мингдан ошиқ адади нашр этилади[5;4-б]. Бу журнал иккинчи жаҳон уруши якунлангандан кейин ҳам 1948–1986 йилларда Вали Қаюмхон етакчилигида нашр этиб турилган. “Миллий адабиёт” журналида ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик адабиёти буюк дарғаларининг асарлари чоп этилган[6;25-б]. Ушбу журналда легион аскарлари томонидан томонидан ёзилган шеър ва ҳикоялар ҳам нашр этилган. Шунингдек, Вали Қаюмхон ва Абул Завқий муҳаррирлигида лотин алифбосида ўзбек тилида 1942–1945 йилларда “Янги Туркистон” газетаси нашр этилади. Маҳкам Умарий муҳаррирлигида эса “Турк бирлиги” газетаси ўзбек тилида нашр этилган[11;58-б]. Бу газета ва журналлар легион таркибидаги аскарларнинг миллий руҳини уйғотишда муҳим рол ўйнаган.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Германиянинг жаҳаннам конслагерларидаги минглаб туркистонликларнинг ҳаётини сақлаб қолишда Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхонлар муҳим ўрин тутдилар. Уларнинг ҳаракати билан тузилган Туркистон легиони Совет давлатига қарши кураш олиб борди. Вали Қаюмхон раҳбарлигида тузилган Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси Туркистон легионининг бош органи сифатида фаолият юритиб, легион аскарларини ғоявий жиҳатдан бирлаштирувчи ташкилотга айланди. Туркистон легиони аскарларининг бош мақсади Совет давлатига қарши курашиб, Туркистон ўлкасини улардан озод қилиш бўлди. Туркистон легионининг аскарлари Италия, Франция, Украина, Белоруссия худудларидаги жангларда Германия армияси таркибида жанглар олиб борди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Боймирза Ҳайит. Советлар Иттифоқида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари// “Шарқ юлдузи”, 1992. № 3.
2. Боймирза Ҳайит. Туркистон миллий истиқлоли масалалари// “Мулоқот” журнали, 1992. № 3-4.
3. Б. Садыкова. История Туркестанского легиона в документах. – Алматы: Кайнар. 2002.
4. Вали Қаюмхон. Миллат тақдири учун курашаман// “Мулоқот” журнали, 1992. № 1.
5. И. Шомуродов. Туркистон ва II жаҳон уруши – тарихнинг оқ доғлари// “Vatandosh” gazetasi. 2011. № 7.

6. И. Шомуродов. Туркестон легиони // “Турон тарихи”, 2012. № 6.
7. О.В. Романько. Мусульманские легионы во Второй мировой войне.–Москва: Транзиткнига. 2004.
8. П.П. Воробьев. Деятельность Туркестанского легиона в источниках и исторической литературе, опубликованной в Германии// Узбекистан: страницы истории. 1991.
9. С. Дробязко, А. Карашук. Второй мировой война 1939–1945. Восточные легионы и казаки части в Вермахте. – Москва. АСТ. 1999.
10. Қ. Ражабов, М. Давлатова. Туркестон легиони: уйдирма ва ҳақиқат// “Турон тарихи”. 2010. № 1 – 3.
11. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар) иккита китоб. 1939 – 1991 йиллар, масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р. Раҳимов М. Ражабов Қ, – Тошкент: Ўзбекистон. 2019.
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
13. А. Ahat Andican. Dr. Baymirza Hayit'in Milli Türkistan Birlik Komitesi içerisindeki faaliyetleri// “Doğumunun 100.yilinda Baymirza Hayit ve günümüzde Türkistan tarihi araştırmaları uluslararası sempozyumu bildirileri”. – Istanbul. 2017.
14. “Doğumunun 100. yilinda Baymirza Hayit ve günümüzde Türkistan tarihi araştırmaları uluslararası sempozyumu bildirileri”, Editörler: Abdulvahap Kara, Ömer Kul, Filiz Ferhatoğlu. – Istanbul. 2017.
15. Coşkun Kumru. Hitler Almanyası'nin Türkistan politikası. 2021.
16. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the world war II (1941-1945) (a master's thesis). – Ankara. 2010.
17. Latif Çelik. II dünya savaşında Almanya saflarında savaşan "Türkistan lejyon ordusu" (doktora tezi). – Konya. 2015.
18. Mavlon Shukurzoda. Birinchi o'zbek millioneri // “Vatandosh” gazetasi, 2011-yil. № 5.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).